*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*

1930 йил 12 майдан чиқа бошлаган

# Постда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 15 — 17 (3093—3095) 1998 йил 6 февраль, жума Баҳоси эркин нархда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

*Сарҳисоб*

## ҲАҚИҚАТ УСТУВОРЛИГИ ЙЎЛИДА

3 февраль куни Ўзбекистон Республикаси ИИВ терговбошқармасининг ўтган йил таҳлилига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири муовини, милиция генерал-майори Қ. Бурхонов очди ва мамлакатдаги мавжуд вазиятни қисқача шарҳлаб берди.

— Якунланган йил давомида Ўзбекистон учун давлатчиликни мустаҳкамлаш, демократияни ривожлантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳуқуқий жамиятни барпо этиш, сиёсий-ижтимоий ҳамда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган аниқ тадбирлар ўтказишга эришилди, — деди нотиқ. — Бир вақтнинг ўзида, ички ишлар идоралари шахсий таркиби учун вазирлик тизимидаги барча бўғинларда тезкор хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш борасида муайян ишлар қилинди.

Шуниси диққатга сазоворки, жиноят-қидирув соҳасида содир этилган жиноятларнинг 2,8 фоизга, шу билан бирга унинг оғир турларининг 0,6 фоизга ва унча оғир бўлмаган турларининг 6,7 фоизга камайишига эришилди.

Бундай ижобий кўрсаткичларни қўлга киритилишида ички ишлар идоралари тергов аппаратининг қўшган ҳиссаси катта. Содир этилган жиноятларнинг қарийб 75 фоиздан ортиғи ички ишлар идоралари тергов аппаратлари томонидан тергов қилинмоқда. Аммо кейинги йилларда қонунсиз жавобгарликка тортиш ҳоллари оз бўлса-да, содир бўлиб турибди. Нега шундай? Бугун ана шулар ҳақида ҳам гаплашиб олишимиз даркор.

Шундан сўнг Республика ИИВ Тергов бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Абдусалом Азизов ўтган йил якуни бўйича маъруза қилди. У ўз нутқида эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган қатор камчиликларни санаб ўтди.

— Масалан, Жиззах, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Наманган, Тошкент шаҳри ички ишлар идоралари тергов бўлимларида тергов ҳаракатлари мукаммал олиб борилмаяпти. Шу туфайли кўплаб қонунсизликлар содир бўлиб турибди. Бу, албатта, ачинарли ҳолдир.

Яна бир томони, идоравий назоратни кучайтириш бўйича кўрилаётган чораларга қарамасдан асоссиз жавобгарликка тортилган ва оқланган шахслар сонининг камаймаётганлигини алоҳида ташвиш билан қайд этиш лозим. Айрим тергов бўлинмаларида кадрларни танлаш масаласида ҳам камчиликлар мавжуд. Айнан шундай камчиликлар туфайли баъзи терговчилар ўзларига берилган мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, жиноят йўлига кирганлари ташвишли ҳолдир.

Нотиқ шунингдек, йўл қўйилаётган бошқа камчилик ва нуқсонларга танқидий ёндошди ва терговчиларни ўқитиш, тарбиялаш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масалалари бўйича қатор таклифларни айтди.

Сўнгра вилоятлар ИИБлари, Тошкент шаҳар ИИББ бошлиқлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ вазирининг тергов ишлари бўйича муовини 1997 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот бердилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жиноят-қидирув Бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция полковниги А. Азизхўжаев, Республика Прокуратураси Ички ишлар идораларида тергов ва суриштирувни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси О. Фузаилов, шу бошқармaнинг катта прокурори Н. Фақировлар иштирок этдилар ва йиғилганларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Кенгаш сўнггида ички ишлар идоралари терговчиларининг 1998 йилдаги вазифалари, шунингдек, уларнинг жиноятчиликка қарши курашда милициянинг бошқа хизматлари ходимлари билан ҳамкорлигини янада такомиллаштириш йўллари белгилаб олинди.

**Мурод ТИЛЛАЕВ.**

### СУРАТЛИ АХБОРОТ

Шу кунларда Тошкент шаҳар ИИББ Жисмоний тайёргарлик марказида республика ички ишлар идоралари хизмат тайёргарлиги раҳбарлари ва ташкилотчилари учун ўқув-услубий семинар ўтказилмоқда. Семинар иштирокчилари хизмат тайёргарлигининг турли йўналишлари бўйича маърузалар тинглашади, машғулотларни ўтиш услуби билан танишишади, шунингдек, отиш ва қўл жангидан норматив топшириб, ўз малакаларини оширадилар.

**СУРАТЛАРДА: республика ИИВ ШТБИХ бошлиғининг муовини, милиция майори А.Юнусхўжаев семинарни очаётган пайт.**

**А.САПАРМАТОВ олган суратлар.**



## ДОИМИЙ ТАДБИР

Самарқанд вилояти Ургут тумани ИИБ ходимлари жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни очиш, шунингдек, ички ишлар бўлими ишини тубдан яхшилаш мақсадида «Тун», «Арсенал», «Қорадори», «Ўсмир», «Ҳосил» каби кенг қамровли тадбирларни ўтказиб келмоқдалар.

Яқинда ўтказилган «Тозалаш» тадбирида туман ҳамда вилоят ИИБнинг 165 нафар ходими иштирок этди.

Махсус ишлаб чиқилган режага кўра ўтказилган бу тадбирда аввал содир этилган, очилмай қолган икки жиноят очилди, бедарак йўқолган бир киши топилди, ноқонуний равишда қурол сақлаган етти кишидан қуроллар олиб қўйилди, гиёҳвандлик билан боғлиқ тўрт жиноят фош этилди.

Тадбир давомида ИИБлардаги ҳисобда турган ва илгари судланган шахсларнинг турмуш тарзига алоҳида эътибор берилди. Ўтган вақт ичида маъмурий назоратда турган, илгари судланганларнинг шароитлари, ҳаёт тарзи текшириб чиқилди.

«Тозалаш» тадбирида амалга оширилган ишлар сарҳисоби шуни кўрсатдики, бундай тадбирларни мунтазам равишда ўтказиб туриш фойдадан холи эмас, жиноятчиликка қарши курашда самараси каттадир. Шу боис бундай кенг қамровли тадбирлар режали равишда ўтказилмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

*Шу сонга*

## НОЁБ ВИДЕОКАССЕТА

Агар бирор киши сизга битта видеокассетанинг нархи бир неча юз телевизордан ҳам қиммат тураркан дейишса ишонган бўлармидингиз? Менимча ўша заҳотиёқ бу гапни айтган кишига қатъий эътироз билдирган бўлардингиз, албатта.

Нақлиёт ички ишлар бошқармасининг Бухоро тармоқ ички ишлар бўлими ходимлари яқинда Гиннеснинг рекордлар китобига киришга «арзигулик» қимматбаҳо видеокассетани қўлга туширдилар. Бу қандай видеокассета экан деган хаёлда қолмаслик учун мақсадга ўтамиз.

Гапнинг пўсткалласи, гиёҳвандликка қарши курашда салмоқли натижаларни қўлга киритиб келаётган ушбу тармоқ ички ишлар ходимлари январь ойининг сўнгги кунида Тожикистоннинг Кўлоб шаҳрида яшовчи Неъматилло Абдулҳамидовнинг ҳам сафарига сўнгги нуқтани қўйдилар. Душанбе — Волгоград поездининг 10-вагонида ёстиғини қучоқлаб кетаётган бу йўловчи ички ишлар ходимларига ўзини ҳеч нарсани билмагандек, бамайлихотир қилиб кўрсатишга уринди. Лекин унинг юклари текширилаётганида негадир ёстиқни қўлидан қўймасди. Бу ҳолни пайқаб қолган ҳушёр ходимлар ёстиқни пайпаслаб кўришганида унинг ичидан оддийгина видеокассета чиқди. Бироқ унинг ажабтовургина оғирлиги бор эди. Хуллас, видеокассета телевизорга қўйилганда сири ошкор бўлди. Унинг ичидан ялтироқ чой қоғозига ўралган 860 грамм героин топилди.

Биз Бухоро тармоқ ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Эргаш Ражабов билан телефон орқали боғланганимизда мазкур жиноятни очган милиция ходимлари милиция капитани Фозил Нарзиев, оддий милиционерлар Бўрон Жўраев ва Аҳад Ражабовларнинг ўз касбига садоқатли ва тажрибали ходимлар эканлигини таъкидлади. Улар бундан олдин ҳам бир неча гиёҳвандлик модда олиб кетаётган жиноятчиларни қўлга олиб, содир этилиши мумкин бўлган бошқа жиноятларнинг ҳам олдини олган эканлар.

Хуллас, энди видеокассетанинг қимматлигига шубҳангиз қолмагандир. Мабодо бунга зарра гумонингиз бўлса, атиги бир килога етмайдиган героиннинг тарқалиб кетмаслиги оқибатида бир неча юзлаб кишиларнинг ҳаёти сақлаб қолинганини айтиш кифоя қилар. Чунки соғлиқдан қиммат нима бор жаҳонда?

**Шухрат РЎЗИЕВ,**
**милиция катта лейтенанти.**

### *РЕСПУБЛИКА ИИВ ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН*

**САМАРҚАНД.** Самарқанд шаҳри А. Темур кўчасида яшовчи В. Корченконинг «Ока» русумли автомашинаси ичида ўзаро жанжал оқибатида 1963 йилда туғилган В. Л. ҳайдовчининг кўкрагига пичоқ санчиб, жуфтакни ростлади. Кўп ўтмай В. Корченко шифохонага ётқизилди, В. Л. эса ҳибсга олинди.

**АНДИЖОН.** «Агрокимётаъминот» бирлашмасининг омборчиси, 1962 йилда туғилган Б. М. 10 тонна минерал ўғитни қонунсиз равишда Пахтаобод туманидаги Қурбонов номли жамоа хўжалигига 500.000 сўмга сотиб юборгани аниқланди. Ушбу ҳолат бўйича тергов ҳаракатлари олиб бориляпти.

**ТОШКЕНТ.** Сирғали туманидаги 8-мавзеда жойлашган «Сирғали» Марказий универмагидан тунда 138.933 сўмлик турли хил маҳсулотларни ўғирлаб кетган шахс Қўриқлаш бўлими ходимлари томонидан қўлга олинди. У яшаш ва ишлаш жойининг тайини йўқ. 1981 йилда туғилган К. Руслан бўлиб чиқди.

**НАВОИЙ.** «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва 1-тоғ-металлургия заводи оралиғидаги даладан номаълум эркак кишининг бузилиб айниган жасади топилди. Ўтказилган суд-тиббий экспертизасининг хулосасига кўра у бошига қаттиқ жисм билан уриб ўлдирилгани аниқланди. Олиб борилган суриштирувда мурданинг шахси аниқланди. У Халқлар Дўстлиги кўчасида яшаган, 1974 йилда туғилган Виктор Холмуродов бўлиб чиқди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида ушбу жиноятни содир этган шахс, илгари судланган Х. Элмурод аниқланиб, қўлга олинди.

**БУХОРО.** Қоракўл заводи таъминотчиси, 1960 йилда туғилган Ғ. Маҳмудовнинг хонадонига тунда юзига ниқоб кийган, қўлига қирқма милтиқ ушлаган номаълум шахс бостириб киради ва ундан пул топиб беришини талаб қилади. Талаби қондирилмагач, Ғ. Маҳмудовнинг кўкрагига пичоқ санчиб, воқеа жойидан жуфтакни ростлайди. Жабрланувчи шифохонага ётқизилди.

Ички ишлар ходимлари саъй-ҳаракатлари билан кўп ўтмай босқинчи излаб топилди ва ҳибсга олинди.

**СУРХОНДАРЁ.** Сариосиё темир йўл шохбекатида навбатдаги тезкор тадбир ўтказилди. Унда «Душанбе — Москва» йўналиши бўйича қатновчи поезд йўловчиси, Тожикистон Республикаси фуқароси Н. Дилшоднинг ёнидан 8 килограмм 200 грамм гиёҳвандлик моддаси топилди. Текширув ишлари олиб бориляпти.

**Т. МУРОДОВ.**

*«Касб одобномаси»га амал қилаяпмизми?*

# МУОМАЛАГА КЎП НАРСА БОҒЛИҚ

Ўтган йил охирида Ўзбекистон телевидениеси мухбирларига нисбатан ниҳоятда қўпол муносабатда бўлгани учун бир неча милиция ходими ишдан бўшатилди. Бунга йўл қўйган сардорга ҳам чора кўрилди. Инсонийлик нуқтаи-назаридан бундай ҳол ачинарли. Аммо офицер ўз қўл остидагиларни оддий муомалага ўргата олмагандан кейин нима дейиш мумкин?

Яқинда республика нашрларидан бирида ишлайдиган таниш мухбир айтиб берган бир воқеадан ҳайратга тушдим. Бундан бир қанча вақт илгари мақола учун маълумот тўплашга ёрдам беришларини сўраганда, уни ҳеч қандай сабабсиз ички ишлар идорасидан чиқариб юборишади. Кейинчалик постда турган милиция ходимига шундай кўрсатма берган офицер жазоланади.

Ушбу икки ҳолат кишини чуқур ўйга толдиради. Аксарият ҳолларда бундай воқеалар сезилмасдан ўтиб кетади. Чунки амалда бўлган ва «тўртинчи» ҳокимият вакиллари кўп вазиятларда бир-бирларини тушунишга ҳаракат қилмоқдалар. Келишмовчиликларга эса ўзларига ишониб топширилган вазифа нечоғли муҳим эканлигини англаб етмаган ходимлар сабабчи бўлишаяпти.

Ўтган йил баҳор чоғида вилоят ИИБлардан бирига хизмат сафарига борганимда идорага кираверишда бошлиқнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича муовинини кутишимга тўғри келиб қолди.

— Бу ерда бегона кишиларнинг туриши мумкин эмас, — деди хизмат бурчини ўтаётган сержант.

— Мен бегона эмасман, газета мухбири бўламан, — дедим мен.

— Барибир мумкин эмас. Ҳозир шу ердан раҳбарлар ўтишади. Гап тегиши мумкин.

Ҳақиқатан ҳам орадан саноқли дақиқалар ўтмай ИИБ бошлиғи келиб қолди. У тўхтаб мен билан саломлашар экан, сўради:

— Қачон келдингиз, кутиб қолмадингизми?

— Эрталаб келган эдим.

— Мен кўп ўтмай қайтиб келаман. Ярим соатлардан кейин олдимга кирарсиз.

Бошлиқ машинага ўтириб, жўнаб кетгач, сержант олдимга келиб:

— Мен сизга айтган эдим-ку, бу ерда турманг деб, — деди.

Қайсар ходимга нима ҳам дейиш мумкин? Арзимаган нарса учун катталарга арз қилмайсиз-ку.

Яна бир воқеа. Туман ИИБ навбатчилик қисмида турган милиция сержантига муҳарририятдан берилган гувоҳномани кўрсатдим ва мақсадимни баён этдим. Шу пайт олдимга ёш лейтенант яқинлашди.

— Сиз кимнинг олдига кирмоқчисиз? — сўради у.

— Бошлиқнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича муовини ҳузурига.

— Қандай масалада?

— Обуна қандай бораётганини билмоқчи эдим.

Лейтенантнинг энсаси қотиб киноя қилди:

— Газетани қизиқарли қилиб чиқарсанглар обуна билан қизиқишга ҳожат ҳам қолмас эди.

Кўнглимдан «Биз албатта сизнинг қимматли фикрингизни инобатга оламиз, шуни унутмангки, газетанинг тиражи кўп жиҳатдан обуначилар ҳисобига эмас, балки чакана савдо қилинаётгани учун бошқа газеталардан анча кўп чиқаяпти» деган гаплар ўтди. Бироқ мен одоб сақлаганча:

— Фикрингизни албатта инобатга оламиз, — дедим.

Туман ИИБ бошлиғи муовини хонасига кирганда эса ундан сўрадим:

— Равшан ака, очиғини айтинг, бизнинг газетамиз ўқимишли эмасми?

— Нега энди, ўқимишли, — тинчлантирди у, — бу гапни сизга ким айтди?

Мен сукут сақладим. Буни айтишнинг нима ҳожати бор? Кимдир фикр билдиргани учун уни бу ҳуқуқдан маҳрум қилиш тўғри эмас. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш жоиз. Ички ишлар идораларида шундай ходимлар учраб турадики, улар бу ерга келаётганлар албатта таъзим бажо келтиришларини хоҳлайдилар.

Бу сафар ички ишлар идорасига кираверишёки кимнингдир олдида эмас, йўлда кетаётганда ана шундай ҳолат юз берди. Маҳаллий матбуот ходимларидан бири жиноят-қидирув бўлимида ишлайдиган милиция капитани билан ўз машинасида борарди. Йўлда кичик қоидабузарлик учун ДАН ходими тўхтатди.

— Мен сиздан огоҳлантириш билан чекланишни илтимос қиламан, — деди капитан ҳайдовчининг ёнини олиб.

— Шундай қилмоқчи эдим, энди эса асло, — деди сержант қатъий. — Мен бу ерда бегоналар ва ўзимизникиларни ушлаш учун турибман.

— Хўш, мени қандай айб устида қўлга туширдингиз? — ярим ҳазил аралаш қилиб сўради офицер.

— Кассага 150 сўм тўланг-да, кейин бемалол йўлингизда давом этаверинг.

Мухбир ҳар қанча қаршилик кўрсатмасин, капитан жаримани ёнидан тўлади ва ҳамроҳини тинчлантирди:

— Кўриб турибсиз-ку, мен айбдор эканман...

Бошқа журналист эса диққатга молик мана бу воқеани гапириб берди.

— Чорраҳага ўнг қатордан яқинлашаяпман. Чап томонимдаги ўрта қаторни панель ташийдиган машина деярли банд қилган. Бу «динозавр»га тегиб кетмаслик учун белгиланган чизиққа икки метр етмай тўхтатдим. Яқин ўртада турган ДАН ходими бармоғи билан имлаб ёнига чақирди. Ўнг томонга ўтишнинг имкони йўқ. Чорраҳа олтмиш метрларга яқин, ундан кейин автобус ва троллейбус бекатлари кўриниб турибди. Шу пайт йўлчироқнинг яшил чироғи ёниб қолди. Мен юришга мажбур бўлиб, чорраҳадан ўтгач тўхтадим. Сержант олдимга келишни хоҳламади. Мен бироз кутдим-да, қўл силтаб ўз йўлимда кетавердим. Орадан бир қанча вақт ўтгач, у орқамдан қувиб келиб тўхтатди ва жаҳл билан бақира бошлади:

— Сен кимсан ўзи? Мен сени!..

У бир зумда куракда турмайдиган сўзларни қалаштириб ташлади. Гапларини хотиржам эшитар эканман сўрадим:

— «Сиз»лаб гаплаша оласизми, йўқми?

— Ҳали менга ақл ўргатадиган бўлдингми? — баттар тутоқиб кетди у. — Тўхташга ишора қилган эдим. Нега бўйсунмадинг?

— Йўлимнинг учдан иккисини тўсиб қўйган панель ташийдиган машина ҳайдовчисини нега тўхтатмадингиз?

— Қандай йўл тутишни ўзим биламан, — жавоб берди у.

— Ундай ҳолда мен ҳам ўзим биламан, — дейман мен. — Биринчидан, ҳайдовчини махсус таёқча эмас, бармоқ билан имлаб тўхтатиш йўл ҳаракати қоидасида кўзда тутилмаган. Бу ерда гапирган гапларингиз Низомга зид, бу иккинчидан. Учинчидан эса агар мен билан яна шу тарзда муомала қилсангиз, ўзим ишлаётган республика газетасида танқидий мақола ёритишга мажбур бўламан.

Шундай дея машинага ўтириб жўнаб кетдим. Сержант эса нима қилишини билмай, яна ортга қайтишга мажбур бўлди. Мен йўлда борар эканман ўйлайман: «Бундай тартиб сақловчилар оддий, ҳеч қандай ҳимоясиз кишилар билан қандай муносабатда бўлишаркин?...»

Қувончли томони, журналистлар хизмат сафари пайтида жуда яхши кутиб олинади. Сизга жой ҳозирлаб беришади, керакли маълумотлар билан таъминлайдилар. Аммо қай бир ходим (бундайлар кам учрайди) сен уникига меҳмонга эмас, иш билан келганингни тушунишни истамайди, — ўз сўзини якунлайди ҳамкасбим. Унинг сўзларига яна нималарни қўшимча қилиш мумкин. Мен бир неча йиллар матбуотда ишлаган бўлсам, бирор жойда милиция ходимларидек хайрихоҳлик билдирилганини эслолмайман. Шу боисдан бўлса керак, ички ишлар идорасига қилинган хизмат сафарлари муваффақиятли ўтади. Осойишталик посбонлари иш билан нечоғли банд бўлишларига қарамай вақт ажратиб, яқиндан ёрдам беришга, кўмаклашишга ҳаракат қиладилар.

Мақоладаги «алоҳида ўрнак кўрсатган» қаҳрамонларнинг исм-шарифларини атайлаб кўрсатмадим. Улар ёзганларимни ўқиб чиққач, ҳар қандай ҳолатда ҳам берилган ҳуқуқдан керагидан ортиқча фойдаланмаслик зарурлигини тушуниб оладилар, деб умид қиламан.

**Р. ЗИГАНШИН.**

*Қўриқлаш хизмати фаолиятидан*

# УЛАР ЎЗ ИШИНИ БИЛАДИЛАР



Денов шаҳридаги «Сувоқова» ишлаб чиқариш корхонаси ҳудудида турган «Зил-130» русумли автокраннинг олдинги баллони алмаштириб кетилгани маълум бўлди. Денов шаҳар ИИБ тергов бўлинмасидан милиция майори А. Менгноров, қўриқлаш бўлинмаси бошлиғи, милиция капитани З. Шайманов ва яна икки ходимдан иборат тезкор гуруҳ аъзоларининг ҳаракатлари туфайли гумондор шахс ушланди. У шу корхона устаси Ҳасан Абдумўминов эди. Суриштирув натижасида Ҳасан краннинг ғилдирагини алмаштириб, девордан ошириб юборгани маълум бўлди. Айни пайтда у терговда жавоб бераяпти.

— Ташқаридан қаралса, бу арзимас нарсадек туюлади, — деди милиция капитани З. Шайманов. — Битта ғилдирак алмаштирилса нима бўпти, дейдиганлар ҳам топилиши мумкин. Бироқ ўғирликнинг катта-кичиги бўлмайди. Биз мулк шаклидан қатъи назар, у давлат, жамоат ёки шахсий мулк бўлсин, кўз қорачиғидек асраб, қўриқлашга ҳаракат қилаяпмиз.

Бошлиқнинг гапи амалда ўз тасдиғини топмоқда. Ўтган 1997 йил ва шу йилнинг бир ойи мобайнида қўриқланаётган 70 га яқин объектда ўғирликка йўл қўйилмади. Объектларни қўриқловга олиш бўйича режа ошириб бажарилди.

Қўриқлаш бўлинмаси ходимлари шаҳар ИИБ томонидан ташкил этилаётган тадбирларда фаол иштирок этишмоқда. Масалан, «Тўсиқ» тадбири давомида 100 га яқин майда ташмачилар аниқланиб, уларнинг барчаси маъмурий жавобгарликка тортилди.

Гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳам фаоллик кўрсатилаяпти. «Қўриқлаш» бўлинмаси милиционерлари, милиция сержанти Ж. Ғофуров ва оддий милиционер Ш. Ҳусановлар участка вакили билан биргаликда Денов шаҳар, Мақсуд Шайхзода кўчасида яшовчи И. М.нинг хонадонини кўздан кечиришганда наша ўсимлиги ўстирилаётгани маълум бўлди. Бундан ташқари бешта гугурт қутисида наша топилди ва жиноий иш қўзғатилди.

Айни пайтда вилоят ҳокимининг янги объектларни қўриқловга олиш бўйича фармойишини бажариш юзасидан қатор ишлар амалга оширилаяпти.

**Ш. САЪДИЕВ.**

**СУРАТДА: Қўриқлаш бўлинмаси бошлиғи, милиция капитани З. Шайманов (ўртада), катта нозир, милиция лейтенанти М. Файзуллаев, бўлинма сардори, милиция капитани М. Худойбердиев ва бош ҳисобчи Н. Исаковалар навбатдаги режалар хусусида суҳбатлашишаяпти.**

**Б. АБДУРАСУЛОВ олган сурат.**

# ҚИДИРИЛМОҚДА

**Хоразм вилояти ИИБ томонидан қуйидаги жиноятчилар қидирилмоқда:**



Равшан КУРЯЗОВ, 1958 йилда туғилган, Хива тумани, Ўзбекистон жамоа хўжалиги, 9-бригадасида яшаган.

**Белгилари:** бўйи 175-180 см, озғин, сочлари қора, қошлари қалин, юзи узунчоқ, бурни тўғри, узун.

**Кийимлари:** эгнида оқ кўйлак, қора костюм, қора шим, оёғида қора туфли бўлган.

* * *



Алишер КАБУЛОВ, 1967 йилда туғилган, Хива шаҳри, Гагарин кўчаси, 19-уй, 3-хонадонда яшаган.

**Белгилари**: бўйи 175-180 см, ўртача гавдали, сочи, кўзи қора, мўйлови бор.

**Кийимлари:** эгнида қора костюм, кўйлак ва қорамтир шим, оёғида туфли бўлган.

* * *



Ҳайитбой МАТНИЯЗОВ, 1959 йилда туғилган, Хива шаҳри, Гагарин кўчаси, 16-уйда яшаган.

**Белгилари**: бўйи 165-170 см, ўртача гавдали, кўзлари қисиқ, бурни тўғри, қоши қалин, соқол-мўйлов қўйиб юради.

**Кийимлари:** эгнига кўк кўйлак, қорамтир костюм, қора шим, оёғига қора туфли кийган.

**Юқорида исм-шарифлари зикр этилган шахсларни кўрган ёки улар ҳақида бирор маълумотга эга бўлганлар яқин ўртадаги милиция бўлинмасига хабар беришларини сўраймиз.**



1998 yil — Oila yili

# Muqaddas dargoh 3

*9 февраль - мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллуд топган кун*



Фарзанд ато қуллуғин чу одат қилғай,
Ул одат ила касби саодат қилғай.
Ҳар кимки атоға кўп риоят қилғай,
Ўғлидадин анга бу иш сироат қилғай.

# ТИНЧЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ТИМСОЛИ

**Бугунги суҳбатдошимиз Хоразм вилояти ИИБ бошлиғи, милиция полковниги С. ЗАЙНИЕВ. У кишидан оила манфаатларини ҳимоя қилишда милиция ходимларининг тутган ўрни тўғрисида гапириб беришни сўрадик.**

— Фуқароларимизнинг ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш ва улар мулкини ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилиш ички ишлар идоралари ходимларининг муҳим вазифаларидан биридир, — деди Садриддин Фазлиевич. — Аҳоли ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича ким профилактик ишларни олиб бораяпти? Бошларига бирор ташвиш тушганда одамлар кимга мурожаат қиладилар? Ўғирланган мол-мулкни эгасига ким қайтариб олиб бераяпти? Тарбияси оғир оилаларда тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаётганлар-чи? Ўйлайманки, бу саволларга бериладиган жавоб маълум.

**— Гапларингиз тўғри. Бугунги кунда ҳар бир оила аъзолари «Менинг милициям — менинг ҳимоячим» деб бемалол айта олишига асос бўлувчи мисоллар келтира оласизми?**

— Марҳамат. Хонқа тумани, Ал-Хоразмий жамоа хўжалигида яшовчи фуқаролардан бирининг отини ўғирлаб кетишади. Участка вакили, милиция капитани А. Авезов жабрланувчининг қўшниси, шу кезлари қўшни туманда бўлган К. Ойбекни шубҳа остига олади. У туман ИИБ тезкор вакили билан бирга ўғрини бозорда ашёвий далил билан қўлга туширишга муваффақ бўлди. От эгасига қайтарилди.

Урганч шаҳар ИИБ ППХ милиционерлари У. Бобожонов, М. Алланазаров ва У. Жуманиёзовлар тунда белгиланган йўналиш бўйича боришаётганда гилам ва идиш-товоқлар олиб кетаётган икки номаълум кимсани ушлашади. Текширув чоғида улар бу буюмларни болалар боғчасидан ўғирлаб чиқишгани маълум бўлди. Бундай мисолларни яна келтиришим мумкин.

**— Жорий йилда аҳоли ўртасида ташкил этиладиган профилактик ишлар тўғрисида тўхталсангиз.**

— Шуни айтишим жоизки, асосий диққат-эътибор оилавий-маиший жиноятларнинг олдини олишга қаратилади. Бу хайрли ишга маҳалла қўмиталари, қишлоқ ва хотин-қизлар кенгашлари аъзоларини жалб этмоқчимиз. Участка вакиллари ва ВЕИН нозирлари ҳар бир тарбияси оғир оилаларда бўлишади. Мунтазам спиртли ичкилик истеъмол қилинадиган, тез-тез келишмовчиликлар бўлиб турадиган, ҳуқуқбузарликка мойил болалар истиқомат қилаётган оилаларни назорат остига оламиз.

**— Милиция ходимларининг оиласини мустаҳкамлаш, тинчлик ва хотиржамликни таъминлаш борасида ҳам муайян ишлар қилинаяптими?**

— Бошқа оилалар ҳақида қайғуриш билан бирга ўз ходимларимизни ҳам унутаётганимиз йўқ. Осойишталик посбони кўпинча хизматда бўлаётгани сабабли яқинлари билан мулоқот қилишга вақти кам қолади. Бундай вазиятда эр-хотин ўртасида келишмовчилик келиб чиқиши, ота таъсиридан бебаҳра қолган фарзандлар нотўғри йўлга кириб кетиши эҳтимолдан холи эмас.

Бундай ҳолатлар рўй бермаслиги учун ҳар бир оила диққат марказимизда. Бу жойларда муҳит қай аҳволда эканлиги билан доим қизиқиб борамиз. Баъзан ходимларникига меҳмонга борамиз, тез-тез суҳбатлашиб турамиз. Байрамларга уларнинг умр йўлдошлари билан бирга келишлари одат тусига кириб бораяпти.

**— Бошқарма шаҳар ва туман ички ишлар бўлимларида ишлаётган ходимлар ва улар оиласининг моддий аҳволини яхшилаш борасида бирор чора-тадбирлар кўрилаяптими?**

— Албатта. Кўп болали оилаларга пул ва озиқ-овқатлар ажратилаяпти. Баъзи ходимларга турар жой қуриш ва таъмирлашга кўмаклашаяпмиз. Яқин кунларда яна бир бино фойдаланишга топширилиб, кўпчилик янги жойга кўчиб ўтишади.

**— Милиция соҳасини танлаётган оилавий сулолалар ҳам борми?**

— Агар милицияни шартли равишда аҳил оила деб олсак, кўплаб фарзандлар ўз оталари изидан боришаяпти. Масалан, милиция фахрийси У. Абдукаримовнинг ўғли Улуғбек бошқармамизда бўлим бошлиғи бўлиб ишлайди. Бошқарманинг собиқ бошлиғи А. Жуманиёзовнинг икки ўғли, келини ва невараси милиция соҳасида фаолият юритмоқдалар. Бундай мисолларни кўплаб келтиришим мумкин.

**Ўз мухбиримиз.**



**— Қўлингиз дард кўрмасин, онаси!**

**Суратда: Янгийўл шаҳар ИИБ паспорт бўлинмаси бошлиғи А. Акбаров рафиқаси Шоҳидахон билан.**

**Т. КАРИМОВ олган сурат.**

## ЭЙ, ФАРЗАНД!

***Эй фарзанд, билғилким, ақл юзасидан фарзандға ота-онани иззат ва ҳурмат қилиш вожибдур, нединким, унинг асли ота ва онадур. Ота ва онани нима учун ҳурмат қилурман деб кўнглингға келтурмағил, билғилки, улар сенинг учун ўлимға ҳам тайёр турадурлар.***

***Ҳар фарзандки, оқил ва доно бўлса, ҳеч вақт ота-онанинг меҳр ҳақини адо қилмоқдин холи бўлмағусидир... Эй фарзанд, ота-онангни сағал ҳам ранжитмағил.***

*Na'munali oila: u qanday bo'lishi kerak?*

# FARZANDLARNI HURMAT QILING

**Истеъфодаги милиция генерал-майори Неъматжон ИБРАГИМОВ:**

— Ҳар гал оила ҳақида гап кетганда Андижон вилояти Чинобод (ҳозирги Балиқчи) туманида яшайдиган, мен учун қадрдон Неъматилла Шокировлар хонадони кўз олдимга келади. Менинг бу оила билан жуда иноқлашиб кетишимга ҳам, аввало, шу хонадондаги муҳит сабаб бўлган. Эр-хотин бир-бирига иноқ, фарзандлар тарбияли. Бир келган киши яна келсам дейди. Фарзандларнинг уйдаги юриш-туриши, ҳаракатларини кўриб, ҳавасим келарди.

Ўзим ҳам беш нафар фарзандни ўстирдим. Юқори лавозимларда ишлаб юрганимда ҳам Неъматилла аканинг бир гапларини эслаб турардим. У киши менга, фарзандларни ҳурмат қилинг деб айтардилар. Ҳурмат эркалатиш, айтган нарсасини муҳайё қилиш эмас, балки унинг оиладаги ўрнини, ҳақ-ҳуқуқини англатишдир. Аввало, уларни меҳнатга лаёқатли, иштиёқманд бўлишига эришиш керак. Қийналаркан деб, оғирроқ ишлардан озод қилиш, уй ишларига аралаштирмаслик болани танбал қилиб қўяди.

Оиладаги ўрнига келсак, фарзандни ёшига қараб, белгилаб бориш зарур. Қиз боланинг ўрнини она кўрсатиб берса, ўғил бола билан кўпроқ ота шуғулланади.

Ота-она фарзандига тилладан тоғ ваъда қилиб, уни бажаролмаса, ҳурмати пасая боради. Шунинг учун болаларга имкон даражадаги ва зарур бўлган нарсаларнигина ваъда қилиш керак. Агар айтган нарса ўз вақтида адо этилмаса, сабабини тўғри тушунтириш зарур. Бу фарзанднинг ҳурмати ҳисобланади.

Эр-хотин болалар олдида бир-бирларини ҳурмат қилишлари керак. Чунки, мурғак қалбига оиладаги ҳар бир ҳаракат, гап-сўз ўрнашиб қолади.

Мен умр йўлдошим Ҳадичабону билан салкам ярим асрдан бери бирга яшайман. Оиламни намунали дейишга ботинолмайман, бироқ уни ҳар томонлама мукаммал бўлишига ҳаракат қилганман. Оиланинг мустаҳкам бўлиши, ҳар бир кишига боғлиқ бўлади. Ўзаро ҳурмат самимийлик устун бўлиши керак. Рўзғор қийинчиликлари, озгина етишмовчиликка кўникмай, вақтинчалик бойликдан ҳаволаниш оиланинг барбод бўлишига олиб келади.

*Yaxshi xabar*

## 39 YOSHIDA O'RNAK

Biz olti aka-uka uyli-joylimiz, ikki singlim ham turmushga chiqqan. Ota-onam olti kelinni o'z qizlaridan ziyoda ko'radilar. Shu boisdan bo'lsa kerak, birinchi kelin olganlariga 18 yil bo'libdiki, qaynona-kelin o'rtasida biron marta janjal chiqqani yo'q. Qo'shnilar «qani endi hammaning kelini Saida xolaning kelinlaridek inoq bo'lsa» deyishganini bir necha marta eshitganman. Mening yoshim 39da. 7 nafar farzandim bor. Hozirda o'g'il-qizlar va nevaralar bag'rida keksalik gashtini surayotgan ota-onamizdan o'rgangan yaxshi fazilatlarni bolalarimizga o'rgatishga harakat qilayapmiz.

**F.NARZULLAEV,**
**Koson shahri.**

*...va aksincha*

## SHU YOSHDA... KO'RNAMAK

Gurlanlik Karimning yoshi 39da bo'lsa ham hali «aql tishi» chuqmagan ko'rinadi. U spirtli ichimlik ichib, olgach qing'ir ishlarga qo'l uradigan odat chiqardi. Mast holda Salima ismli ayolning honadoniga tomorqa orqali o'g'irlikka tushganini bundan ortiq baholash mumkin emas. Karim jami 3 ming so'm turadigan qandolat mahsulotlarini o'marib chiqayotganda milisiya xodimlari tomonidan qo'lga tushdi. Xarom pul bilan oila tebratmoqchi bo'lgan bu tekintomoq qonun oldida javob beradi.

**R.TURG'UNOV.**

*Сандиқ*

### ҚИЗ ТОМОН КУЁВ ҚИДИРАДИ

Ҳиндистонда куёв эмас, қиз томон махсус совчи белгилайди. Совчиликка яқин қариндош ёки маҳалланинг мўътабар кишиси бориши мумкин.

### ШИРЧОЙНИ ХУШ КЎРИШАДИ

Инглизлар, ливанликлар ва тибетликлар қуюқ дамланган чой ичадилар. Буларга ширчой қилиб берсангиз нур устига нур бўлади.

### БАРАКАЛЛА, БАШОРАТ!

Ўзбек оиласида етишиб чиққан Башорат Мирбобоева республикамиз хотин-қизлари орасида биринчи бўлиб парашютдан сакради, илк бор паровоз ҳайдашга киришди.

### «КЕЛИН ТИЛИ» НИМА?

Япроғи тол япроғидек, аммо сарғимтир бу шифобахш ўсимликнинг янгисини уруғи билан янчиб сепкил ва юздаги доғларга суртилса уларни кетказади.

### МЎҒУЛЛАР ВА КЕКСАЛАР

Улар кексаларга мурожаат қилганда «гуэй» сўзини ишлатишади. Бу бизнинг ёши улуғ кишиларни «отахон» деб эъзозлашимиз билан баробар.

**Шавкат САЪДИЕВ тайёрлади.**

## AQLLI GAP

● **Ўттиз икки тиш орасидан чиқиб кетишга муваффақ бўлган сир ўттиз икки маҳаллага тарқалиши шубҳасиз.**

## BO'LADIGAN BOLA

***— Пастки қаватда яшайдиган бола билан ўйнашингни тўхтат. У жуда ёмон тарбия кўрган.***
***— Мен яхши тарбия кўрганманми?***
***— Ҳа.***
***— Унда у бола мен билан ўйнаса бўларкан.***

## Болалар сўзлаганда

Анна пашша тутиб онасига деди:
— Ойи шундан фил қилиб беринг.
— Бу мумкин эмас, жонгинам.
— Дадам сизни доим пашшадан фил ясайди дейдилар-ку.

* * *

Она ўғлини койиди:
— Бугун ўқитувчинг яна сендан нолиди.
— Нега энди, ойижон? Бугун умуман мактабга борганим йўқ-ку.

* * *

Югуриб кетаётган икки болани кўриб Ник ўртоғидан сўраяпти:
— Улар нега югуришяпти?
— Ким биринчи келса, мукофот олади.
— Бўлмаса, нега иккинчиси югуряпти?

## АЛЕКСЕЙГА МУРОЖААТ

1997 йил 4 декабрь куни тўқ қизил рангли «Ауди» маркали, давлат рақами Тошкент шаҳрини бўлган машинада кетаётиб, Ҳамза туман ИИБ биносининг олдига қадар бордим. Шошганимда ёнимда бўлган ҳар хил юкларни машинада унутиб қолдирибман. Шу кунга қадар машинани излаб, тополмаяпман. Балки автомашинанинг ҳайдовчиси ҳам мени излаб юргандир. Унинг милицияда ишлашини, миллати рус эканлигини, исми Алексейлигини, ўзбекчани яхши гапиришини, ўртоқлари «Алишер» дейишларини биламан, холос.

Мен юкларимни унутиб қолдирган машина эгасидан ёки уни таниган кишилардан нарсаларимни қайтаришда ёрдам беришларини сўрайман. Мурожаат учун телефон — 96-62-09.

**Жаҳон РАСУЛБЕКОВА.**

## BILMAYIN BOSDIM TIKANNI...

Ўтган йилнинг январь ойи. Қишнинг изғиринли туни. Ташқарида совуқ шамол увиллар, атрофни зулмат қоплаганди. Миясини турли хил қайғули ўй-хаёллар банд этган Гуландом анчадан бери ўйлаб юрган режасини амалга ошириш мақсадида секин ўрнидан турди. Каравотчасида беозор пишиллаб ухлаб ётган ўғилчасининг тиниқ юзига тикилиб, уни тақдир ҳукмига ҳавола этиб кетаётганидан кўнгли бузилди. Томоғига нимадир тиқилди. Яна бироз турса нияти ўзгариб қолишини ўйлаб, боласининг устига энгашди, иккала бетидан тўйиб-тўйиб ўпди, хаёлан жигарбанди билан видолашди. Сўнг ошхонага ўтиб, шкафдан сиркали кислота тўла шишани қўлига олди. Шу пайт эсдан чиқиб, ўчирилмай қолган радиодан таралаётган таниш оҳангни эшитиб бир зум тек қотди:

**Мени кутгил ва мен**
**қайтарман,**
**Фақат кутгил жуда**
**интизор.**
**Мени кутгил,**
**ёққанида қор,**
**Мени кутгил,**
**келганда баҳор.**

Ашуланинг маъноли мисралари Гуландомга бундан бир неча йил муқаддам билиб-билмасдан содир этган хатосини эслатди. Кўзларидан ёш юмалади, қарори қатъийлашди. Шишанинг қопқоғини очиб, сиркани симирди. Шу заҳотиёқ ўзини ғалати сезиб, кўз олди қоронғулашди ва ҳушидан кетиб йиқилди...

Гуландом кўзини очганида қаерда эканлигини фаҳмлай олмади. Фақат ёнида турган оқ халатли ҳамширани кўргач, шифохонада эканлигини англади. Шифтга қадалган кўзлари намланиб, босиб ўтган ҳаёт йўлини эслади...

1986 йилнинг баҳори. Кечки пайт. Ҳарбий хизматга чақирилганлар ва уларни кузатишга чиққанлар орасида ўн етти ёшли Гуландом ҳам бор эди. Кўнгил қўйган йигити Ойбек билан хайрлашиш мақсадида келган қиз олисдан туриб қўлини силкитди. Яқинроқ боришга қизлик ибоси йўл қўймади. Ойбек ота-онаси ва қариндошлари қуршовида эди. Поезд жўнашига саноқли дақиқалар қолганида, кузатувчилардан бири ўзи билан кўтариб келган магнитофоннинг тугмасини босди. «Мени кутгил» ашуласи кузатиш маросимига уйғунлашиб кетди.

Янграётган қўшиқни хонанда эмас, худди Ойбек куйлаётгандек туюлди Гуландомга. Юраги ўртаниб, алланечук бўлиб кетди. «Кутаман, албатта кутаман» шивирлаб қолди лаблари.

Ойбек хизматни ҳарбий флотда ўтайдиган бўлди. Биринчи йил нисбатан тез ўтгандек туюлди. Ошиқлар бир-бирларига мунтазам мактуб йўллашар, соғинчларини изҳор этишарди. Гуландом уч йил эмас, ўн йил кутишга ҳам тайёрдек эди. Лекин иккинчи йили...

Ўша куни Гуландом ўқишдан кечроқ чиқди. Ҳадеганда автобус ҳам кўринмади. Бир пайт янгигина «Жигули» автомашинаси шундоққина ёнига келиб тўхтади ва ичкаридан «Яхши қиз, ўтиринг, олиб бориб қўяман» деган илтифотли овоз эшитилди. Олдинига ботинмайроқ турган Гуландом бекатда йўловчиларнинг тобора сийраклашиб бораётганидан ҳадиксираб машинага ўтирди.

Шу кундан бошлаб, беихтиёр Гуландомнинг қалбидаги Ойбек эгаллаган истеҳкомни Шукур ишғол қилди. Худди ана шу кун бошига тушадиган савдоларнинг дебочаси эканлигини ўшанда Гуландом хаёлига ҳам келтирмаган эди. Шукур қайсидир ташкилотга бириктирилган янги «Жигули»нинг ҳайдовчиси экан. У ҳар куни Гуландомнинг ўқишдан қайтишини пойлайдиган, машинасида айлантирадиган бўлди. Ёшликнинг сирли оғушида маст Гуландом ҳам кўнгил майлига қулоқ солди. Бора-бора муносабатлари шу қадар яқинлашиб кетдики, Шукур ўз мақсадига эришди. Соҳибжамол Гуландомни ширин сўзлар билан авраб, қизлик иффатидан маҳрум этди. Пировардида Ойбекнинг муҳаббатини поймол этган Гуландом Шукурга турмушга чиқишга мажбур бўлди. Аммо тўйдан кейин куёвнинг хотини ва боласи борлиги маълум бўлиб қолди. Орадан кўп ўтмай Шукур биринчи оиласини ҳам кўчириб келди. Шундай қилиб, Гуландом кундоши билан бир ҳовлида яшай бошлади. Шундагина кечирилмас хатога йўл қўйганини, бевафолиги учун тақдир уни аёвсиз жазолаганини тушунди. Изтиробда қолди.

Йиллар ўтди. Бу орада Гуландом фарзандли ҳам бўлди. Лекин кундошли уйда яшаш осон эмасди. Бунинг устига Шукур ҳам энди ундан совуган, бўлар-бўлмасга камситиб, хўрлайдиган бўлганди... Ойбек эса ҳарбий хизматни битириб қайтгач, олий ўқув юртига ўқишга кирди. Уйланди. Ҳозир у шаҳардаги муассасалардан бирида раҳбарлик лавозимида ишлар, яхшигина обрўга эга экан. Ойбекнинг ҳаёти ҳақида эшитган Гуландомнинг бир дарди ўн чандон кучайди. Пушаймонлик ўтида қоврилди...

Касалхонада ётиб шуларни ўйлар экан, кўзидан аламли ёшлар қуйилиб кела бошлади. Гўё бу қонли орият ёмғири уммонга айланиб Гуландомни ўз домига тортаётгандек туюлди.

Гуландом сиркали кислота ичиб, касалхонага тушгандан кейин олиб борилган текшириш натижаси суд билан якунланди. Шаҳар судининг қарори билан, ахлоқан бузуқлиги, яъни кўпхотинли бўлганлиги учун Шукур жиноий жавобгарликқа тортилди. Бундай олиб қараганда ҳақ қарор топгандек бўлди. Бири оиласига, иккинчиси бир покиза йигитнинг муҳаббатига хиёнати учун жазосини тортди. Лекин бу кўнгилсизлик бўлмаслиги ҳам мумкин эдику. Тўғри, «ишқ бошқа, ҳавас бошқа». Эҳтимол, Гуландомнинг Ойбекка бўлган севгиси юзаки бўлгандир. Бироқ Шукурни яхши билмасдан, сўраб-суриштирмасдан ҳисларига шунчалик эрк бериши лозиммиди? Ахир муҳаббат шунчаки эрмак эмас-ку.

Гуландом сал мулоҳаза билан иш тутганида ҳозир бир яхши йигитнинг суюкли ёри, хонадоннинг эъзозли бекаси бўлмасмиди?

Шукурга ўхшаган мунофиқ, бахт ўғрилари эса бир кун келиб ё қонун, ёхуд Тангри олдида жазога мустаҳиқ бўлишлари муқаррар. Қиссадан ҳисса шуки, билмайин босилган тикан ярасининг битиши осон эмас. Яъни, пойдевори таваккал ташланган оила деб номланмиш бино тез муддатда нурамаслигига кафолат йўқдир.

**Анвар ҒУЛОМОВ, милиция майори. Самарқанд шаҳри.**

## TOPQIRLIK MASHQI



БОШИДАН: 1. Ичи бўшаб қолган нарса. 2. Акасини укаси қитиқлайди. 3. Шу каби, шу тариқа шу... 4. Озода. 5. Эркак кишининг исми. 6. Эзилган халқ. 7. Қирғиз халқининг қаҳрамонлик эпоси. 8. Арифметика «алифбо»си. 9. «Лампочка» дарахти. 10. Фаввbooрали денгиз ҳайвони. 11. Тиббиётнинг ўзаги. 12. Ўзбек мумтоз шоири. 13. Кир-чир. 14. Қозонда қайнайди, кўп турса айнийди. 15. Уйнинг дўпписи. 16. Нарса ёки газлама. 17. Парилар ёки... ғилмонлар. 18. Хавфли касаллик. 19. Сартарошга бормайдиган киши. 20. Гапнинг кўпиги. 21. Илмлар йиғиндиси. 22. Анқовлар такрорлайдиган сўз. 23. «Ихлос» сурасидаги исмлардан бири.

ОХИРИДАН: 24. Шаҳарнинг бир бўлаги. 23. Исм ёки ишонмоқ. 22. Фойда. 21. Тақдирни олдиндан айтиб бериш. 20. Бўёқ. 19. Бақирсанг ҳам эшитмас. 18. Инсон танасидаги «қуш». 17. Ҳеч қачон «йўқ» демас. 16. Шоҳмотдаги охирги юриш. 15. Диний қонун-қоидаларга риоя этиш. 14. Содда муғомбир. 13. Чолғу асбобларининг «қўчқори». 12. Тўқай ичида тўнғиз. 11. Устуннинг турадиган ҳолати. 10. Қазилма бойликларнинг омбори. 9. Чексанг тутун чиқмас. 8. Маъбуда. 7. Нафаси ичига тушиб қолган киши. 6. Юзини силаб, орқасига тупурадилар. 5. Кимёвий ўғит. 4. Қарз олгандан кейин бериладиган ҳужжат. 3. Қадаҳ тутиб сўзланадиган нутқ. 2. Кам эмас.

**Илҳом ЗОЙИРОВ.**

***Қўшсаҳифани Э. САТТОРОВ, С. ШАМСИДДИНОВ, С. ШОДИЕВ тайёрладилар.***

***

***«Muqaddas dargoh»нинг кейинги саҳифаларида учрашгунча, хайр!***

